

А Ж Р И М

(Жазони бошқа оғирроқ жазо турига алмаштириш ва қидирув эълон қилиш тўғрисида)

2026 йил апрель ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман суди ўз биносида, очик суд мажлиси бўлиб, туман судининг раиси Н.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Яхёевнинг котиблигида, Яккабоғ туман прокурори катта ёрдамчиси М.Бахтиёров, маҳкум И.Бурхоновнинг ҳимоячиси-адвокат Б.Саидов ва Яккабоғ тумани ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори Х.Абдурахмоновларнинг иштирокида,

Бурхонов Илёс Равшан ўғли, 2005 йил 28 сентябрь куни Яккабоғ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, бўйдоқ, муқаддам Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 21.08.2025 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 45-моддаси қўлланиб, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан 2 йилга маҳрум қилган ҳолда, 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Яккабоғ тумани “Янгиобод” МФЙ Бобур кўчаси 23-уйда яшаган.

1-1009-2503/606-сонли жиноят иши бўйича суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўталмаган қисмини оғирроқ жазо турига алмаштириш тўғрисидаги Яккабоғ тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси кўриб чиқилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Яккабоғ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасига кўра, маҳкум И.Бурхонов 2025 йил 8 сентябрь куни ҳисобга қўйилгани, суд ҳукми билан белгиланган мажбуриятларни бажариши ва агарда ушбу мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазоси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-бандига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилиб, ундан тилхат олингани, бироқ у 2025 йил 14 сентябрь куни соат 10:00 да ва 15 сентябрь куни соат 10:00да, 2025 йил 17 сентябрь куни маҳкум И.Бурхонов “огоҳлантириш” интизомий жазо қўлланилганига қарамай у 2025 йил 21 октябрь куни, 2026 йил 15 январь куни Яккабоғ тумани, “Янгиобод” МФЙ, Бобур кўчасидаги уйда йўқлиги аниқланиб, Тошкент шаҳрига кетганлиги аниқлангани, далолатномалар расмийлаштирилгани, 10.03.2026 йилда ва 02.04.2026 йилда маҳкум Бурхонов Илёс Равшан ўғли яшаш уйда йўқлиги сабабли жазони бошқа оғирроқ турига алмаштириш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисми, агар маҳкум озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин деб кўрсатилган.

Суд прокурорнинг тақдимномани қаноатлантириш, ҳимоячи-адвокатнинг тақдимномани рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, маҳкум И.Бурхонов суднинг ҳукмига асосан яшаш уйдан ва Қашқадарё худудидан чиқмаслик белгиланган бўлсада, у жазони ўташдан бўйин товлагани сабабли ўталмасдан қолган 2 йил озодликни чеклаш жазосини Жиноят кодекси 48¹-моддасининг 6-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиришни, жазони манзил колонияларда ўтатиришни, унга нисбатан сиртдан қидирув эълон қилишни, қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилиб, у ушлангач Қарши шаҳар 5-сонли тергов ҳибсхонасига этап қилишни, ажрим



ижросини таъминлашни Яккабоғ туман ИИБ ва Қарши шаҳар 5-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиқлари зиммасига юклатишни лозим топди.

Юкоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 539, 541, 542-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Яккабоғ тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Бурхонов Илёс Равшан ўғлининг ўталмасдан қолган 2 йил озодликни чеклаш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмига асосан худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Жазо манзил колонияларда ўтатириш белгилансин.

Маҳкум И.Бурхоновга нисбатан сиртдан қидирув эълон қилинсин, у ушлангач қамоққа олиниб, Қашқадарё вилоят ИИБ ЖИЭБга қарашли 5-сонли тергов ҳибсхонасига этап қилинсин.

Жазони ўташ муддати у ушланган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижроси Яккабоғ туман ИИБ ва Қашқадарё вилоят ИИБ ЖИБга қарашли 5-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

Ажрим ижроси таъминлангандан сўнг жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судига дарҳол хабар қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар кассация тартибида хусусий шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:
Аслига тўғри:

(имзо)

Н.Абдуллаев





**JINOYAT ISHLARI BO'YICHA
YAKKABOG' TUMAN**

180100, Yakkabog' tumani, "Istiqlol"
MFY, Sahovat ko'chasi 1-uy
Тел: (55) 404 69 32 e-mail:
j.yakkabog@sud.uz

2026 yil 7 aprel

1-1009-2503/606

Yakkabog' tuman IIB boshlig'iga

Chiroqchi tuman IIB boshlig'iga

Qashqadaryo viloyat IIB JIEB

5-son tergov hibsonasi boshlig'iga

Jinoyat ishlari bo'yicha Yakkabog' tuman sudi tomonidan O'zbekiston Respublikasi JK 266-moddasining 1-qismi bilan sudlangan **Burxonov Ilyos Ravshan o'g'liga** nisbatan chiqarilgan ajrim ijro qilish uchun yuborilmoqda.

Ilova: 1, 2 va 3,4-manzillarga ajrim nusxasi.

Tuman sudi raisi:

N.Abdullayev





**JINOYAT ISHLARI BO‘YICHA
YAKKABOG‘ TUMAN**

*180100, Yakkabog‘ tumani, “Istiqlol”
MFY, Sahovat ko‘chasi 1-uy
Tel: (55) 404 69 32 e-mail:
j.yakkabog@sud.uz*

**Jinoyat ishlari bo‘yicha Yashnobod
tuman sudi raisiga**

2026 yil 7 aprel
1-1009-2503/606

Jinoyat ishlari bo‘yicha Yakkabog‘ tuman sudi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi JK 266-moddasining 1-qismi bilan sudlangan **Burxonov Ilyos Ravshan o‘g‘liga** nisbatan chiqarilgan ajrimi yuborilmoqda.

Ilova: Ajrim nusxasi.

Tuman sudi raisi:

N.Abdullayev

